

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УДК.....

Қодирова Хуршида Ботировна

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ЭВФЕМИЗМ ВА
ДИСФЕМИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ**

10.02.01 – Ўзбек тили

филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2009

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар - филология фанлари доктори, профессор
Сайфуллаева Раъно Рауфовна

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот –

Ҳимоя _____ йил «___» _____ куни соат _____ да
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги _____
рақамли бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат _____ йил «___» _____ да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби филология фанлари
номзоди

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Дунё тилшунослигининг ҳозирги ҳолати, жамиятимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, фанимизнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, ўзбек тилшунослиги олдида ҳам янги вазибаларни кўймоқда. Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида алоҳида таъкидлаганидек, “айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар чоп этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.”¹ Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган ўзбек тилини миллий маънавий бойлигимиз сифатида авайлаб-асраш, бойитиш, ундан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қўлланиш имкониятларини кенгайтириш вазибалари тилшунослар олдида ҳам муайян талабларни кўяди.

Бугунги кунда ўзбек тилшунослиги «нутқ-лисон» тамойили асосидаги тадқиқотлар даврини муваффақиятли босиб ўтиб, ўзининг янги поғонасига - «лисон-нутқ» тамойили асосида иш кўришга жадал ўтмоқда. Бошқача айтганда, субстанциал йўналиш аниқлаган лисоний умумийликларнинг нутқий воқеланишини текширишга жиддий киришилмоқда. Лисоннинг амалий воқеланиши, ундан самарали фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи замонавий фан йўналишлари асосий диққатини социолингвистика, лингвокультурология, психолингвистика, лингвокогнитология, компьютер лингвистикаси каби ижтимоий ва иқтисодий самарадор йўналишларга қаратмоқда.

Ўзбек тили лисоний имкониятлари нутқий воқеланишининг ўзига хос кўриниши бўлган эвфемизм ва дисфемизмларда тил ва маънавият, тил ва руҳ муштараклиги яққол намоён бўлади. Шунинг учун миллий маънавият муаммоси глобаллашган бугунги кунда миллий менталитетни ифодалайдиган эвфемик ва дисфемик воситаларни илмий тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу мавзунинг долзарблик даражасини кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Дунё ва рус тилшунослигининг турли оқим ҳамда йўналишларида эвфемизм ва дисфемизмлар масаласида қатор ишлар амалга оширилган.² Ўзбек тилшунослигида эса эвфемизмлар Н.Исматуллаев³нинг номзодлик диссертациясида масаланинг қўйилиши

¹Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б. 87.

²Артюшкина Л.В. Семантический аспект эвфемистической лексики в современном английском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – М., 2002; Бушуева Т.С. Прагматический аспект эвфемизмов и дисфемизмов в современном английском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Смоленск, 2005; Бойко Т.В. Эвфемия и дисфемия в газетном тексте: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – М., 2005; Бердова Н.М. Эвфемизмы в свете теории вторичной номинации: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 1998; Крысин Л.П. Эвфемизмы с современной русской речи. Русский язык конца столетия. – М.: ЭКСМО, 1996.

³Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф.дис...канд.филол.наук. — Ташкент, 1963.

даражасида, А.Омонтурдиевнинг номзодлик¹ диссертациясида уларнинг услубий хусусиятлари, докторлик² диссертациясида чорвадор нутқида қўлланувчи эвфемаларнинг лингвистик ўзига хосликлари махсус тадқиқ қилинган. Бироқ эвфемизмларнинг акси бўлган дисфемизмлар фанимизда монографик тадқиқ манбаи бўлмаган. Эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлар, асосан нутқий ҳодиса бўлганлиги сабабли, адиблар нутқида индивидуал ҳодиса сифатида намоён бўлади. Шунинг учун сўз санъаткорларининг асарларида қўлланган бундай тил ҳодисаларини индивидуал нутқ таркибий қисми сифатида махсус тадқиқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбек замонавий насри дарғаси, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий асарлари тили бўйича бирмунча ишлар қилинган бўлса-да³, адиб бадиий нутқида салмоқли ўрин тутадиган эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлар махсус текшириш объекти бўлмаган.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек тилшунослиги кафедрасида тадқиқ қилинаётган “Ўзбек тилининг субстанциал ва прагматик тадқиқи” муаммосининг таркибий қисми бўлиб, кафедра илмий ишлари истиқбол режасидан ўрин олган.

Тадқиқот мақсади Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемик ва дисфемик воситаларнинг лингвистик хусусиятлари ҳамда адибнинг улардан фойдаланиш маҳоратини тавсифлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- Абдулла Қодирий асарлари тилининг ўрганилиш даражасини тавсифлаш;
- эвфемизм ҳамда дисфемизмларнинг ўрганилиш даражасини шарҳлаш;
- Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемик ва дисфемик бирликларни таснифлаш;
- Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемик ва дисфемик бирликларнинг услубий хусусиятларини ёритиш;
- Абдулла Қодирийнинг эвфемик ва дисфемик бирликлардан фойдаланиш маҳоратини баён қилиш;
- Абдулла Қодирий асарларининг эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлар луғатини тузиш.

¹Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал хусусиятлари: Филол.фанлари номзоди... дис. — Тошкент, 1997.

²Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол.фанлари д-ри...дисс. — Тошкент, 2009.

³Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Филол.фанлари д-ри...дисс.автореф. — Тошкент, 2002. — Б.31-39; Бобониезов А. А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти: Филол.фанлари номзоди...дисс. — Тошкент, 1995; Норматов У. Қодирий боғи. — Тошкент: Ёзувчи, 1995; Каххарова Х. Фразеология Абдулла Кадыри: Автореф. дис...канд. филол.наук. — Ташкент, 1985; Чориева З.Т. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди...дисс. — Тошкент, 2006; Джалолова Л.О. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди... дисс....автореф. — Тошкент, 2007.

Тадқиқот объекти ва предмети. Диссертация объекти – Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлар, тадқиқ предмети – мазкур бирликларнинг тил ва услуб хусусияти, адибнинг уларни қўллаш маҳорати. Тадқиқ материали Абдулла Қодирийнинг бадиий ва публицистик асарларидир.

Тадқиқот методлари. Ишда методологик асос сифатида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг тил, миллий маданият ва миллий маънавият муаммосига доир қарашлари, миллий истиқлол ғоясига доир асарларида илгари сурилган ғояларга таянилди. Қиёслаш, тавсифлаш, зиддиятга қўйиш, компонент таҳлил, квантитатив усулларидадан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Ўзбек тилшунослиги лисоншунослиқдан нутқшунослиқка ўтар экан, бунда асосан нутқий ходисалар, хусусан, нутқий кўчимнинг бир тури сифатида қаралувчи эвфемик ва дисфемик воситаларни лингвистик, лингвопоэтик, лингвопрагматик ва ҳ. нуктаи назардан ўрганиш асосий аҳамият касб этади.

2. Абдулла Қодирий асарларида эвфемик ва дисфемик воситалар ранг-баранг бўлиб, уларни муҳим белгилари асосида турли томондан таснифлаш – адиб маҳоратини очишнинг ибтидоси. Қодирий асарларида қўлланган эвфемик ва дисфемик воситаларнинг мавзувий ранг-баранглиги, семантик кўламдорлиги, шаклий музайянлик сифатлари мана шу тасниф жараёнида муайянлашади ва хулоса декларативликдан холи бўлади.

3. Адиб Абдулла Қодирий ўз бадиий-эстетик идеалларини гўзал лисоний ва нолисоний воситалар ёрдамида тасвирлайди. Эвфемик ва дисфемик маъноли бирликларни ўз ўрнида моҳирлик билан қўллаб, ҳар бир ходиса, шахс, воқелик ҳамда унга ўз муносабатини тасвирлашда муносиб эвфема ва дисфема танлайди, турли лисоний ва нолисоний бирликларга эвфемик ва дисфемик “масъулият” юклайди. Натижада воқеа-ходисалар янада равшанроқ, шахснинг ички ва ташқи қиёфаси тиниқроқ, адибнинг уларга бадиий-эстетик муносабати ёрқинроқ ва таъсирчанроқ намоён бўлади.

4. Адиб нутқида эвфемизмнинг кўп қўлланиши сабаби унинг бадиий маҳорати юксаклиги, этик норма талабига риоя қилишининг устуворлигида бўлса, дисфемизмдан кўп фойдаланиши эса давр иллатларига муросасизлиги, сиёсий етуклиги ва кинояга мойиллиги кучлилиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- Абдулла Қодирий асарлари тилининг ҳамда эвфемизм ва дисфемизмларнинг ўрганилиш даражаси баён этилди;

- Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемик ва дисфемик бирликлар таснифланди;

- Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемик ва дисфемик бирликларнинг услубий хусусиятлари баён қилинди;

- Абдулла Қодирийнинг эвфемик ва дисфемик бирликлардан фойдаланиш маҳорати ёритилди;

- Абдулла Қодирий асарларининг эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлар луғати тузилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотдан ўзбек адиблари бадий нутқида қўлланган эвфемик ва дисфемик маъноли бирликларни тадқиқ этишда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Диссертация натижалари Абдулла Қодирий асарлари, шунингдек, ўзбек тили эвфемизмлари ва дисфемизмлари луғатини тузишда амалий аҳамият касб этади. Бакалаврият йўналишлари учун “Этномаданият ва мулоқот маданияти”, “Бадий асар тили”, “Нутқ маданияти”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили (Лексикология)” ўқув курслари бўйича маъруза матнлари, дарслик ва қўлланмалар тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва хулосалари Ўзбекистон Миллий университети талабалари билан ўтказилган ўқув машғулотида амалиётга татбиқ этилган, иш натижаларидан тил ва услубият масалаларига доир маъруза матнлари ёзишда, шунингдек, она тилидан қомус ва луғатлар тузишда фойдаланилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси йиғилиши ва университет Илмий кенгаши (200... йил- сонли баённомаси) томонидан тасдиқланган, университет илмий тадқиқот режаларига киритилган. Илмий иш натижаси ва хулосаси бўйича университет илмий-назарий анжуманларида, аспирант ва тадқиқотчиларнинг анъанавий конференцияларида, кафедра йиғилишлари ҳамда илмий семинарларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мавзу бўйича ОАК рўйхатидаги журналларда 4 та, илмий тўпламларда 5 та ахборот ва илмий баён эълон қилинган. Абдулла Қодирий асарларида қўлланган эвфемик ва дисфемик бирликлар луғати чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, Times New Roman шрифтининг 1,5 интервали 14 кегель катталигида саҳифани ташкил этади.

ИШНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг “Кириш” қисмида эвфемизм ва дисфемизмларнинг пайдо бўлиши ва ўрганилиш омиллари хусусида сўз боради.

Ишнинг биринчи боби “**Абдулла Қодирий асарлари тили лингвистик ва лингвопоэтик муаммо сифатида. Эвфемик ва дисфемик маъноли бирликларнинг ўрганилиши**” деб номланган.

1.1. Абдулла Қодирий асарлари тили лингвистик ва лингвопоэтик муаммо сифатида. Абдулла Қодирий асарлари тили бир қанча тадқиқотда лингвистик тадқиқ манбаи бўлган. Х.Дониёров ва Б.Йўлдошев, Ё.Тожиевлар каби олимлар ва уларнинг шогирдлари ўз изланишларида адиб ижодига жиддий эътибор қаратишган¹.

Ўзбек тилшунослигида ёзувчи асарларининг тил хусусияти хусусида сўз кетганда дастлаб Х.Қаҳҳорованинг номзодлик диссертациясини тилга олиш зарур.² Олима бу илмий ишида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон” асарларида учрайдиган фразеологизмларнинг пайдо бўлиш сабабларини, муаллифнинг нутқигагина хос ибораларни чуқур таҳлил қилган, таснифини берган. Мустақиллигимиздан кейинги ишлар сирасига З.Т.Чориева ҳамда Л.О.Джалоловалар тадқиқотларини киритиш мумкин. З.Т.Чориева номзодлик диссертациясида³ адиб романларида учрайдиган мактубларни луғавий-маъновий ва услубий жиҳатдан таҳил қилади. Мактубларни матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда таснифлаб ва лингвопоэтик нуқтаи назаридан ўрганиб, ёзувчининг бадиий маҳоратини кўрсатишга, мактуб жанри орқали ўзбек тили услубининг ривожини, адабий тил, нутқий ҳодисаларнинг лисоний асосларини очиб беришга ҳаракат қилади.

Л.Джалолованинг Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқига бағишланган номзодлик диссертацияси⁴да Абдулла Қодирийнинг бадиий тил маҳорати, ҳозирги ўзбек тилининг шаклланишидаги хизматлари ҳамда “Ўткан кунлар” романи тилининг фонетик, лексик, морфологик ва синтактик хусусиятлари тадқиқ қилинган. Адибнинг новербал воситаларнинг лисоний ифодаларидан фойдаланиш маҳорати, ўзбек тилининг грамматик имконияти ва ўзбек халқининг нутқий маданиятини юксалтиришдаги хизматини кўрсатувчи бу иш ҳам Абдулла Қодирийнинг бадиий тил маҳоратини ўрганишда муҳим.

Адиб бадиий нутқининг лексик, лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқи борасида иш олиб бораётган тилшунос Ў.Лафасов тадқиқотлари ҳам эътиборга молик. Тадқиқотчи романлардаги лексик бирликларнинг

¹Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Т.: Ўздавнашр, 1962; Мирзаев И. Абдулла Қодирий эволюцияси. – Т.: Фан, 1972; Тожиев Ё. ва б. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1974; Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.

²Каххарова Х. Фразеология Абдулла Кадыри: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т., 1985.

³Чориева З.Т. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди... дисс. — Т., 2006.

⁴Джалолова Л.О. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди... дисс... автореф. – Т., 2007.

“иктисодиётга доир умумий атамалар”, “олиқ-солиққа оид атамалар”, “пулмаблағ билан боғлиқ атамалар” каби турларини таҳлил қилади. Ў.Лафасов бошқа бир мақоласида адибнинг изоҳловчиларни қўллаш маҳорати устида фикр юритади.¹

Юқоридаги ишлардан кўринадики, Абдулла Қодирий асарлари тилининг лингвистик таҳлили мустақиллигимиздан кейинги йилларда бирмунча янги куч олмоқда. Бироқ Абдулла Қодирийдек буюк адиб ва сўз санъаткори асарлари тилини атрофлича ва кенг миқёсда турли лингвистик аспектларда жиддий тадқиқ қилиш бу борадаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади. Хусусан, ҳар қандай адибнинг сўз қўллашдаги ўзига хослигини кўрсатадиган эвфемик ва дисфемик маъноли воситалардан Абдулла Қодирийнинг фойдаланиш маҳорати махсус тадқиқ қилинмаган. Шу боисдан ҳам адибнинг асарларида эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлардан фойдаланиш маҳоратини очиб бериш ушбу тадқиқотнинг бош мақсади сифатида танланди. Асосий мақсад бўйича белгиланган вазифаларни бажариш ибтидоси эса эвфемик ва дисфемик маъноли бирликларни ўрганиш тарихига муурожаат қилиш бўлмоғи зарур деб ҳисоблаймиз.

1.2.Эвфемик ва дисфемик маъноли бирликларнинг таснифи ва талқини. Эвфемизм ҳодисаси XX аср бошларида умумтилшуносликда Ж.Вандриес², Л.А.Булаховский³ каби тилшунослар томонидан соҳа билан боғлиқ адабиётларда қайд этилган бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари эвфемизм моҳиятининг — тавсифининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳодисани алоҳида миллат, алоҳида жинс вакиллари (олтой аёллари нутқи) мисолида тадқиқ этган олимлар сирасига А.Н.Самойлович⁴, Н.А.Баскаков⁵ларни киритиш мумкин. Улар эвфемизмни этник ҳодиса сифатида кузатиб, кўпқиррали жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилишди. Э.А.Агаян⁶, О.Н.Турбачев⁷лар ҳам маълум гуруҳ, менталитет доирасида бу тил ҳодисасини тадқиқ этади. С.Отаев⁸ туркман тили эвфемизмлари, Г.Г.Мусабоев⁹ қозоқ тили эвфемизмлари, В.П.Дорбакова¹⁰ монгол халқи эвфемизмлари, Н.Г.Михайловская узоқ шарқ — Чукот, Ханتي-Мансий, Нанай халқлари тилида учрайдиган эвфемизмларни таҳлил қилишган. Шунингдек, тува тилида учрайдиган эвфемизмлар борасида С.П.Ванштейн¹¹, Ш.Ч.Сат¹²,

¹Лафасов Ў. Қодирийнинг изоҳловчиларни қўллаш маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, – № 3. – Б.70-72.

²Вандриес Ж. Язык. – М.: Учпедгиз, 1937.

³Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Часть II. – М.: Учпедгиз, 1953.

⁴Самойлович А.Н. Женские слова у алтайских турков / Язык и литература. – Л., 1929, т III, с. 124-124.; Самойлович А.Н. Запретные слова в языках казах-киргизской замужной женьщины. – СПб: Рус. Вост. Отд. Общество.1915. – с.167.

⁵Баскаков Н.А. Пережитки табу и тотемизма в языках народов Алтая / Советская тюркология. Баку, 1975, №2.

⁶Агаян Э.А. Ведание в языкознание. – Ереван: Ун-т, 1960. – С. 269.

⁷Турбачев О.Н. Из истории табуистических названий / Вопросы славянского языкознания, вып III. – М., 1958. – С. 12

⁸Отаев С. Эвфемизмы в туркменском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1955. – С. 21.

⁹Мусабоев Г.Г. Ҳозирги замон қозоқ тили. Т.І, Лексика. – Алмата: Қоз. Фанл. Акад., 1959. –Б. 29.

¹⁰Дорбакова В.П. Оронимия. МНР / Ономастика. – М.: Наука, 1969. – С. 199-200.

¹¹Ванштейн С.П. Личные имено-термины родства и прозвища у тувинцев / Ономастика. – М.: Наука, 1969. – С. 128-131.

¹²Сат Ш.Ч. Табу и эвфемизмы в тувинском языке / Советская тюркология. – Баку, 1981. – С. 45.

инглиз тилида учрайдиган эвфемизмлар хусусида И.В.Арнольд¹ каби тадқиқотчилар ҳам ўз ишларида у ёки бу аспектда фикр билдиришган.

А.А.Реформатский² табу ўрнида қўлланилаётган эвфемик бирликларни этник тараққиёт билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Табунинг пайдо бўлишига турли бидъат ва хурофотлар сабаб бўлганлигини айтиб, эвфемизмлар унинг номини ёпиш учун хизмат қилишини таъкидлайди. Р.А.Будагов³ эса табунинг пайдо бўлишига инсониятнинг эътиқоди туртки бўлганлиги ва у маълум маънода тафаккур ривожини омилларидан эканлигини эътироф этган.

Эвфемия ҳодисаси Б.А.Ларин (1961)⁴, А.М.Кацев (1977), Н.Ц.Босчаева (1989), Л.В.Артюшкина (2002), Г.Г.Кужим (2003) ва бошқа тилшунос олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, унинг турли жиҳатлари ёритилган. Масалан, Л.В.Артюшкина⁵ эвфемизмларнинг алмашилишини ва семантик типларини тадқиқ этган бўлса, Н.Ц.Босчаева⁶ томонидан унинг прагматик аспекти кенг ўрганилди. Г.Г.Кужим⁷ эвфемизмни тилнинг “мелиоратив” воситаси сифатида ўрганди, А.М.Кацев⁸ уни ижтимоий психологик-жиҳатдан талқин этди. Қайта номлаш билан боғлиқ томони эса Н.М.Бердова⁹ томонидан тадқиқ этилди, Е.П.Сенечкина эвфемизмларнинг дахлдор белгиларини кўрсатади.

XXI асрдан бошлаб рус тилшунослигида эвфемизм мавзуси доирасида 15 га яқин номзодлик диссертациялари ёқлангани бу ҳодисани ўрганишнинг ривожидан далолат беради.

Ўзбек тилшунослигида бу атама 1963-64 йилларда Н.Исматуллаевнинг “Ҳозирги ўзбек тилида эвфемизмлар” номли диссертацияси¹⁰ орқали ўрнашди. 1997 йилда А.Омонтурдиев эвфемизмни “услугуносликнинг тадқиқот объекти сифатида аллақачон ўз ечимини топиши керак бўлган мавзу”¹¹ сифатида кенг доирада ўрганиб, ўзбек нутқининг эвфемик асосларини тадқиқ қилади. Бунгача эса 1983 йилда нашр этилган “Ўзбек тили стилистикаси” ўқув қўлланмасида муаллифлар жамоаси томонидан эвфемизм ҳамда какофемизм (дисфемизм) хусусида айрим умумий маълумотлар берилган эди.¹²

Айтиб ўтиш керакки, эвфемизм хусусида тилшунос олимлар томонидан йўл-йўлакай ҳам фикрлар билдирилиб, унга турли томондан ёндашилган.

¹ Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: Высш.шк. 1959. – С.12-55.

² Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: РАН, 2005.

³ Будагов Р.А. Введение в науку о языке. – М.: Индрик, 2003.

⁴ Ларин Б.А. Об эвфемизмах / Ученые записки ЛГУ. – Л., 1961.

⁵ Артюшкина Л.В. Семантический аспект эвфемистической лексики в современном английском языке: Дисс... канд. филол. наук. – М., 2002.

⁶ Босчаева Н.Ц. Контекстуальная эвфемия в современном английском языке. – Л.: Наука, Ленинградское отд. 1989.

⁷ Кужим Г.Г. Универсальный лингвистический закон триады: Дисс... канд. филол. наук. – Армавир, 2003.

⁸ Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке. – Л.: Наука, 1977.

⁹ Бердова Н.М. Эвфемизмы в свете теории вторичной номинации. Дисс... канд. филол. наук. – М., 1998.

¹⁰ Исматуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. — Т., 1963. – С.19

¹¹ Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал-услугунослик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди. дисс. — Т., 1997. – Б. 176.

¹² Шомаксудов А., Расулов И., Қўнгуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 148.

Масалан, Ҳ.Шамсиддинов сўзларнинг эвфемик функционал-семантик синонимлари¹ ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирса, А.Э.Маматов докторлик ишида фразеологизмларнинг эвфемик ва дисфемик шаклланишига алоҳида тўхталади². Шунингдек, айрим бадий тил билан боғлиқ ишларда ҳам тил бирликларининг эвфемик маъносига эътибор қаратилади. Жумладан, “Бобурнома” лексикасини махсус тадқиқ қилган олима З.Холманова³ унда қўлланган эвфемизмлар хусусида айрим фикрларни баён этган.

А.Ҳожиёвнинг 1985 йилда қайта нашр қилинган “Лингвистик терминлар изоҳли луғати”⁴да эвфемизмга изоҳ берилади.⁵ Бироқ луғатда дисфемизмга доир фикр билдирилмайди.

Маълум бўладики, эвфемизм ўзбек тилшунослигида дисфемизмга нисбатан кенгроқ ўрганилган бўлиб, бугунги кунга қадар юқорида санаб ўтилган олимлар томонидан эвфемизмнинг нутқий қатлам сифатидаги хусусиятлари системали тадқиқ этилган. Дисфемизмга О.С.Ахманованинг “Словарь лингвистических терминов” луғатида қисқача изоҳ бериб кетилади.⁶

Дисфемизмнинг бу қадар кам ўрганилганлиги, унинг фақат эвфемизм хусусида сўз борганда йўл-йўлакай тилга олиниб кетилганлиги нутқий меъёр, нутқий маданият, лисоний мезонлар нуқтаи назаридан уни ўрганишга эҳтиёж сезилмаганлиги билан белгиланади.

Д.Лоуренс⁷ ва у билан ҳамфикр тадқиқотчилар томонидан сўз эркинлиги ва очиқлик ёқланиши, фойдали томонларининг санаб ўтилиши, масалан, нохуш тушунча қанчалик беркитилса, шунчалик қизиқарли бўлиши, ёмонликни тақиқлаган сайин унга бўлган эътибор кучайиши ва самараси тескари бўлиши мумкинлиги таъкидланади. Жумладан, А.Н.Резанова⁸ инглиз тили дисфемизмларини ўрганиб, унинг қадимий жараён эканлигини уқтиради. Ишда дисфемизм тарихи, бадий нутқдаги вазибалари, лексик-семантик таҳлили берилади, таснифи амалга оширилади: “Дисфемизм – языковое выражение с отрицательной (дерогативной, уничижительной в той или иной мере, с тем или иным оттенком) оценкой денотата.”⁹ Шунингдек, Т.В.Бойко¹⁰, Т.С.Бушуева¹¹лар дисфемизмни эвфемизм билан ёнма-ён тадқиқ этадилар.

¹Шамсиддинов Ҳ. Сўзларнинг эвфемик функционал-семантик синонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1997. № 6. – Б. 22.

²Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фанлари д-ри... дисс. – Т., 1999.

³Холманова З.Т. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи: Филол. фанлари д-ри... дисс. автореф. – Т., 2009.

⁴Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – Б.146.

⁵Ҳожиёв А. Ўша китоб. – Б.109.

⁶Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. энциклопедия, 1969. – 137 с.

⁷Лоуренс Д. Порнография и непристойности. – М.: Азбуковник, 2003.

⁸Резанова А.Н. Дисфемия в английском языке: семантические механизмы и прагматические функции: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2008. – С. 20.

⁹Резанова А.Н. Ўша асар.

¹⁰Бойко Т.В. Эвфемия и дисфемия в газетном тексте: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М., 2005.

¹¹Бушуева Т.С. Прагматический аспект эвфемизмов и дисфемизмов в современном английском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Смоленск, 2005.

Муайян миллатнинг яшаш тарзи, этник тараққиёти, тарихий даври билан боғлиқ равишда тил ва нутқда шаклланган бирликлар тадқиқига бағишланган ишларда ҳам маълум маънода дисфемия учун алоҳида бўлимлар ажратилиб, унинг моҳияти, семантикаси, нутқий хусусияти тавсифланган. Масалан, О.В.Потапова¹ белорус, рус ва поляк халқи тилининг XIX асрлардаги этник қолипни ўрганар экан, “в сфере этнономинации важную роль играет стилистическая дифференциация лексем. Именно стремление придать лексеме со значением ‘представитель этнической общности’ определенную коннотацию ведет к созданию синонимов в данной ЛСГ. При этом используется два основных приема: эвфемизация и дисфемизация”² каби фикрларни билдиради. И.П.Пасечникова³ ҳозирги немис тилида уруш ва тинчлик тушунчаларининг моҳияти хусусидаги тадқиқот ишида ҳам эвфемизм ва дисфемизмларга тўхталади: “Оценочная категоризация полярных феноменов войны и мира обусловлена ориентацией субъекта на архетипическую социокультурную оппозицию «свой – чужой». В функциональном плане возможна амбивалентность оценки конкретной ситуации войны или мира, не исключаются элементы оценочного варьирования по отношению к негативному компоненту исследуемой дихотомии в форме эвфемизации и дисфемизации, способствующих «улучшению» или «ухудшению» образа «социального зла.»⁴

Замонавий ўзбек тилшунослиги дастлаб адабий меъёрларни ишлаб чиқиш ва омма онгига сингдириш (формал ўзбек тилшунослиги), сўнгра ўзбек тили лисоний бирликлари ва уларнинг имкониятларини аниқлаш (субстанциал тилшунослик) вазифаси билан банд бўлганлиги туфайли нутқий характерга эга бўлган дисфемизмларни ўрганиш кун тартибидан ўрин олмаган эди. Бугунги кунда фанимиз тил ва жамият, лисоний имкониятларнинг нутқий вокеланиши, бу имкониятдан амалий фойдаланиш кўламини кенгайтириш муаммолари билан шуғуллана бошлаганлиги боис соф миллий ва нутқий характерга эга бўлган дисфемизмларни ўрганиш ҳам куннинг долзарб масаласига айланмоқда.

Бобда эвфемик ва дисфемик бирликларнинг таснифланиши, ёндош ходисаларга муносабати, тизимда даражаланиш қонуниятининг амал қилиши ҳақида ҳам маълум бир фикрлар баён этилган.

Ишнинг иккинчи боби “**Абдулла Қодирийнинг эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлардан фойдаланиш маҳорати**” деб номланади.

2.1. Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемик маъноли бирликлар таснифи ва мавзувий гуруҳлари. Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемик бирликлар ҳам серқирра бўлиб, бу уларни ҳар бир белгиси асосида турлича тасниф қилиш имконини беради. Адиб нутқига хос эвфемизмларнинг

¹Потапова О.В. Языковые этнические стереотипы и их представление в белорусской, русской и польской лексикографии XIX века: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Минск, 2005.

²Потапова О.В. Ўша асар.

³Пасечникова И.П. Концептуализация войны и мира в современном немецком языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Тамбов, 2009.

⁴Пасечникова И.П. Ўша асар.

таснифий белгиларини икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) лисоний белгилар; 2) нолисоний белгилар.

Лисоний белгилар асосидаги таснифда эвфемик бирликларнинг мавзувий, семантик, шаклий қурилиш (структур), услубий хосланганлик каби қатор хусусиятларига таянилади ва ишда адиб асарларидаги эвфемизмларнинг лисоний белгилар асосидаги таснифи берилди.

Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемик маъноли бирликларнинг мавзуий гуруҳлари. Адиб асарларида қўлланган эвфемизмлар, миқдор жиҳатидан ранг-баранг бўлиш билан бирга, мавзувий жиҳатдан ҳам хилма-хил: 1) шахсни англатувчи эвфемик воситалар: *валинеъмат жаннатмакон*, “*катта*”, *зинокор*, *ҳалол эмас*, *суюқ оёқ*, “*айниган*” *мажнун*, *лайли*, *баба*, *баришинахон*, *маржа*, *ўйнаш*, *туташ*, “*ноз эгаси*”, “*фиръавн қизи*”; 2) инсон тана аъзоларини ифодаловчи эвфемик ифодалар; 3) биомоддани англатувчи эвфемик ифодалар: *ахлат*, *тезак*, *хилт*; 4) инсоннинг жисмоний нуқсонларини англатувчи эвфемик ифодалар: *қулоги оғир*, *бир кўзи мағрибда*, *бир кўзи машириқда*; 5) инсоннинг жисмоний ҳолатини англатувчи эвфемик ифодалар: *юклик*, *ҳомилалик*, *оғир оёқ*, *иккиқат*, *тумса*, *пуштсиз*, *безурриёт*, “*қизил кувё*”; 6) инсоннинг маънавий нуқсонларини англатувчи эвфемик ифодалар: *ақлинг оқсайдир*, *ақлингиз бир оз янглишибдир*, *боши бўш*, *жўн одам*, *пўстак ақлини мой босган*, *жаҳли басит*, *содаллавах*, *эси ярим*, *ярим мадания халқ*, *хом киши*; 7) инсоннинг муомала ва муносабатдаги нуқсонларини англатувчи эвфемик ифодалар: *елкаси қичимасин* (таъмагирлик қилмасин), *ёввойи чиқим* (пора), *муллажиринг* (пул; пора), «*қарз*» (пора), *чўнтакпараст* (таъмагир, пулга ўч одам), *конверт орқали улашилган «бадал»лар* (пул, пора); 8) спиртли ичимликларни англатувчи эвфемик ифодалар: *дори*, *заҳар*, «*оби сурх*», *обирахмат*, *оқсоқол*.

Эвфемик бирликларнинг лексик-семантик муносабат асосидаги типлари. Бунда адиб ижодида қўлланган эвфемик воситаларнинг луғавий-маъновий муносабат асосидаги таснифи берилди: 1) маънодош эвфемалар: *итдек қирмоқ*, *каллакесарга заказ бермоқ*, *кесмоқ*, *кулала қилмоқ*, *орадан кўтармоқ*, *саранжом қилмоқ*, *саранжомламоқ*, *қонини тўкмоқ*, *бошини олмоқ*; 2) шаклдош эвфемалар: *қўлга олмоқ* I (камалмоқ, хибсга олинмоқ) – *қўлга олмоқ* II (келишмоқ, тил бириктирмоқ), *маънисиз* I (эрсиз) – *маънисиз* II (фоҳиша) – *маънисиз* III (мазмунсиз, калтафаҳм); 3) зид маъноли эвфемизмлар: “*ҳусни Юсуф*” (хунук) - *ҳусни Юсуф* (гўзал), *мушифика*, *ожиза*, *қарима* - “*муштипар*”, “*афифа*” (бузилган).

Эвфемик воситаларнинг маъно кўламига кўра таснифи. Адиб асарларидаги эвфемик ва дисфемик бирликларни бу белги асосида моносемантик ва полисемантик бирликлар сифатида гуруҳладик: 1) моносемантик эвфемалар: *қазо қилса*, *афифа*, *кўч*, *ҳолва*; 2) полисемантик эвфемалар: *орадан кўтармоқ* 1 (йўқ қилмоқ, ўлдирмоқ), *орадан кўтармоқ* 2 (йўқ қилмоқ, тахтидан йиқитмоқ). Полисемантик эвфемаларни кўчма маънонинг характериға кўра ҳам таснифлаш мумкин. Бунда у кўчишнинг қандай асосда эканлиги билан эътиборли. Шу боисдан полисемантик эвфемалардаги кўчма маъно метафорик, метонимик, синекдохик,

вазифадошлик, киноявий каби турлари ажратилди: а) метафорик эвфема: *бўйин эгмоқ, бўйни йўгон*; б) метонимик эвфема: *дори, заҳар*: 1. *Ухлаганим йўқ, ҳез, дорингни қуй-чи!*; – 2. *Бир вақт ош-сувдан қутулиб, Норпоччахоним минан бир пиёла заҳарни ичиб ўлтурсам, эшикдан нортуюдек бўртиб иккита яллаци ўлгур кевотти.* («Ширвон хола нима дейди»); в) синекдохик эвфема: *Аммо сиз ҳурматлуларга маълумдир, бизнинг шул Отабекдан ўзга фарзандимиз бўлмай, дунёда ўзимиздан кейин қолатургон туёқимиз ва кўз тиккан орзу-ҳавасимиз, умид ҳадафимиз фақат шул Отабекдир.* («Ўткан кунлар»); г) вазифадошлик асосидаги эвфема: *Ёрқориевга қулоқлардан олинган «қарзлар» кифоя қилмайди, чунки, «эхтиёж» зўр...* («Ўзи хон кўланкаси майдон»); *Қулоқлар иши, деган мулоҳазани билдиради.* («Шубҳа»); д) киноявий эвфема: *«бўйдоқлар»* (турмушга чиқмаган қизлар), *«ийгит»* (номард), *«қадрлик меҳмон»* (кутилмаганда туғилган чақалоқ).

Эвфемаларнинг шаклий структурасига кўра таснифи. Адиб ижодида кўлланган эвфемик воситалар сирасида эвфемик сўз (ибора), эвфемик бирикма, эвфемик гап фарқланди: 1) сўз-эвфема: *арра, ахлат, қисқа* (аҳмоқ), *ўчоқбоши* (ҳукумат), *ўйин* (хийла), *яра* (дард), *юраксиз* (кўрқоқ), *юклик* (ҳомиладор), *этаксиз* (бетайин), *чайқовчи* (олиб сотар, қаллоб), *туёқ* (фарзанд), *тиллахона* (ҳожатхона), *оқсоқол* (ароқ), *обирахмат* (ароқ), *кўч* (хотин), *заифа* (аёл, ожиза), *дўндиқча* (фохиша); ибора-эвфема: *суробини тўғирлаб қўймасинми* (таъзирини бермасинми), *кавшининг чакаги йиртилди* (овора бўлди), *бошида тегирмон юргизиши* (азоб бериш), *ёшини яшаб, ошини ошаган* (қариган), *косаси оқармай кетяпти* (камбағал), *тишимизни тишимизга қўйишига мажбурмиз* (чидаймиз); 3) бирикма-эвфема: *ёввойи чиқим* (пора), *ола-чипор драма* (яроқсиз, хом асар), *силлиқ бола* (бесоқолбоз), *томоқ мажлиси* (тановул маҳали); 4) гап-эвфемани ажратишда содда гапнинг ўзбек анъанавий тилшунослигида тан олинган [эга+кесим] қолипига таяниш маъқул топилди: *димозиға путур етиб қолган* (“ғўддайган”), *дами кесилади* (овози ўчади), *елкаси қичимасин* (“тамагирлик қилмасин”), *инсоният ҳисларимиз жим ёта олмади* (“ҳисларимиз жунбушга келди”), *кавшининг чакаги йиртилди* (“овора бўлди”), *катта толлар кесилган* (“яхши даврлар ўтиб кетган”), *суяклари ўлтирган* (“қариб, мункайиб қолган”) кабилар гап шаклидаги эвфемик воситалардир.

Абдулла Қодирий асарларида имплицит ифодаланган ҳақорат, қарғишлар ҳам мавжуд: *Қўлингдан қамчин, белингдан ошпичоқ, шопдек муртининг остидаги сассиқ оғзингдан “Қизингни... онангни... динингни... ота-бобонгни...” деган зикри олийлар доим фаввора урар эди.* (“Мочалов”)

2.2. Абдулла Қодирийнинг эвфемик маъноли бирликларни кўллаш маҳорати. Абдулла Қодирий айнан мана шу масалада улкан маҳорат эгаси сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Адибнинг ўз ва унинг қаҳрамонлари тилида учраган ҳар бир сўз ва гапда уларнинг руҳий-маънавий кайфияти, орзу-ният, инсонга, унинг ҳаётига, табиат ҳодисаларига муносабати, дунёқараши ва маданий савияси, ҳис-туйғу ва хулқ-атвори акс этиб туради. Романнинг дастлабки қисмлариданоқ ана шундай гўзалликка дуч келаверамиз. Масалан, асарнинг дастлабки қисмида Ҳомид, Раҳмат ва

Отабекнинг уйланиш ҳақидаги суҳбатларида “мувофиқ” сўзи жуда кўп ўринларда қўлланилганини кўрамиз (асар бўйича 35 марта қўлланиш мавжуд). Ҳар қўлланишда бир маъно яширинади. Қайсидир ўринда қўпол сўз “юмшоғ”ига, қайсинисида эса “юмшоғ”и, аксинча, қўполига алмаштирилади:

1. – Манимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, – деди Раҳмат ва Отабекка юз ўғирди. – Уйлангач, хотининг табъингга **мувофиқ** келса, бу жуда яхши; йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас. 2. – Сўзингизнинг тўғрилигида шубҳа йўқ, – деди, – аммо шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладиргон хотинингиз сизга **мувофиқ** бўлиши баробарида эр ҳам хотинга **мувофиқуттабъ** бўлсин. 3. – Хотинга **мувофиқ** бўлиш ва бўлмаслиқни унча кераги йўқ, – деди Ҳомид эътирозланиб, – хотинларга эр деган исмининг ўзи кифоя... аммо жиян айткандек, хотин деган эрга **мувофиқ** бўлса бас. 4. Масалан, мен ота-онамнинг ёқдиришлари билан уйландим... аммо хотиним ота-онамга **мувофиқ** бўлса ҳам, менга **мувофиқ** эмас, сиз айтгандек, эҳтимол мен ҳам хотинимга **мувофиқ** эмасдирман. 5. – Жиян, – деди Ҳомид Раҳматка қараб, – бошлаб уйланишинг, албатта, ота-онанг учун бўлиб улардан ранжиб юришингни ўрни йўқ. Хотининг кўнглингга **мувофиқ** келмас экан, **мувофиқини** олиб, хотинни икки қил. Буниси ҳам келишимаса учунчисини ол. Хотиним **мувофиқ** эмас деб зорланиб, ҳасратланиб юриш эр кишининг иши эмас. Асар бўйича жами 35 қўлланишнинг 11 таси бир саҳифада ва, фақат, Отабек билан Ҳомид мулоқотида қўлланади.

Ёзувчининг сўз танлай олиш маҳорати шундаки, у “характерга мос келмоқ” фикрини ифода этиш учун бўёкли сўзлар қидириб ўтирмайди. *Мувофиқ* сўзида ушбу контекстдагидек “мени тушунадиган”, “менга ёқадиган” каби тушунчалар ҳам мавжудлигини ҳис қилган ҳолда қўллайди. Нутқ жараёнидаги этика талаби ана шундай эвфемик бирликнинг юзага келишига туртки бўлади. Адиб биргина сўз мисолида, унга эвфемик “масъулият” юклаш баробарида, нафақат мувоҳасадаги кишиларнинг маънавий қиёфасини чизади, балки ўз муносабати учун бу сўзни хизмат қилдиради. Баҳслашувчилар ўз фикрларини очик айтишмайди, ҳар бири “мувофиқлик”ни ўз қаричи билан ўлчайди, ўзича тушунади ва талқин қилади. “Кўнглини топиш”, “хизматини қилиш”, “раъйини қайтармаслик”, зарур эҳтиёжларига хизмат қилиш” каби маълум даражада очик айтиш мумкин бўлмаган маъноларни фақат шу сўз билан ифодалайди. Ёзувчи гарчи Ҳомидга салбий қаҳрамон мақомини берган бўлса-да, унинг оғзига ҳам фақат пардаланган сўзларни “солади”, уни ҳам, ким ва қандай киши бўлишидан қатъи назар, миллий ибо ва андишадан холи кўрмайди, ўқувчига бепардоз намойиш қилмайди. Бунда адибнинг миллий ибо ва назокатни қанчалик устувор тутганлигига амин бўлиш мумкин. Адибнинг бунда *мувофиқ* сўзини ёлғиз қўллаб, ҳар гал “муносиб”, “лойиқ” тушунчаларининг безакли, шунингдек, таъсирчан кўриниш олишига эришади. Бу эвфема ҳам, бошқа эвфемаларда бўлгани каби, нутқ жараёнида кишида ижобий таассурот қолдириш, ёқимсиз сўзларни ошкор айтмаслик вазифасини бажаришга йўналтирилган.

Портрет тасвири. Бадиий адабиётда портрет тасвирида адиблар маҳорати яққол кўзга ташланади. Бу – адабиётимизда портрет устаси сифатида танилган Абдулла Қодирий ижодининг ҳам ўзига хослигини кўрсатувчи белгилардан. Ёзувчи асарларида портретнинг гўзал намуналари мавжуд бўлиб, биз уни эвфемизмлар кўзгуси орқали баҳолашга ҳаракат қиламиз. Юқорида айтганимиздек, адибнинг суйиб яратган қаҳрамонлари ташқи гўзалликка эга бўлибгина қолмай, табиатан инсон зотининг барча яхши хислатларини ўзида жамулжам қилган образ сифатида намоён бўлади. Раъно тасвирига келганда ҳам муаллиф воқеалар ривожидан чекиниш қилиб, қуйидаги ҳикояни баён этади: *Меним ёш вақтимда, айниқса, гўзаллик қидирган мағрур чоғларим эди. Оиламиздами, бошқа ердами, баҳарҳол хотирамда яхши қолмаган, Лола отлиғ бир қизнинг чеварлиги тўғрисида сўз борди. Мажлис аҳли менга яқин, яъни улар олдида ҳуснда баҳс очиш уят бўладирган кишилар эди. Шунинг учун менга Лоланинг чеварлигидан кўра муҳимроқ бўлган “ҳусн”и масаласида изоҳхот сўрашнинг имкони бўлмади. Лекин Лола исмининг остида бир малакни кўрган – “Лоланинг исмига ўхшаши ҳусни ҳам бор”, деб ўйлаган эдим. Шу кундан бошлаб Лолани кўриш ҳажрига тушдим. Бўйи еткан қизларни кўра олиш бу кунларда ҳам амри маҳол бўлганидек, мундан ўн йиллар илгарида яна мушкилроқ эди. Неча вақт “ҳижрон ўтида ёниб”, кўча пойлаб ниҳоят, Лолани сув олиш учун кўза ушлаб кўчага чиққан ҳолатда учратдим. Бурнидаги булоқисидан бошқа (агар булоқи ҳуснга қўшилса) “Лола”ликка арзийдиган ҳеч гап йўқ эди.*

Таъкидлаш керакки, адиб аксарият ҳолларда ташқи кўриниш, ҳаракат, ҳолатни тасвирлаётганда, албатта, қаҳрамон исмини ёдга олади. Ва исмининг нечоғлик мувофиқлигига урғу беради. Бу эса Кумуш образини яратишда ҳам ўз аксини топган. Масалан, асарнинг “Кутилмаган бахт” фаслида Отабекни биринчи бор кўриб, *“узоқ тикилиб қаради-да: Кутилмаган бахт, – деди ва ўзининг отидек бир нарсанинг товиши каби қилиб кулиб юборди”* (кулги кумуш металлининг жарангига, унинг нозик ёқимли товушига қиёсланади). Юқоридаги *Лолаликка арзимаслик* эвфемик бирлигига эътибор қаратилдиган бўлса, исмининг жисм билан номутаносиблиги англашилади ва кейинги жумлаларда шу фикрни қуйидаги эвфемик жумлаларда баён этади: *Яқиндаги бир боладан сув олгучининг ким эканини сўраган эдим: – Лола опам, – деди. Боланинг талаффузи менга “Мола опам” бўлиб эшитилди. Бир неча кун бу қизнинг отини “Лола” деб қўйганлари учун аччиғланиб юрдим”*.

Публицистик тасвирида эвфемия. Абдулла Қодирийнинг кичик асарларида унинг маҳорати ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бунинг биринчиси ва энг муҳими – ўша давр ҳодисалари талабларини кўра билиш, айниқса, ўзбек маданияти ва адабиётининг муҳим масалаларини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ҳал этишга жиддий ҳисса қўша билишидир. Унинг кичик асарларида эвфемия ҳодисасига бой кўплаб мисолларга дуч келамиз. Эвфемик мисоллар, айниқса, сиёсий ҳаётга оид масалаларда кўп қўлланилганини ҳис этиб турамыз: *Саидовлар учун илгарилар бу хилда “ҳалол касб” билан кун кўриши мумкин бўлса бўлгандир; аммо энди, айниқса бу кун, яъни ёруғ очик кунда ўғрилиқ?! (“Луғат пудратчилиги ва куруқ расмият”)*.

Ўша давр муҳити “ёпиқ” ифодаланган юқоридаги жумлада сиёсий мавсумни янги нутқий бирлик билан ифодалаганини кўрамиз (*ёруғ очик кун*). Яъни ифода “демократия, ошкоралик, адолат равнақ топган бир давлатда ўғрилиқ қилиниши ажабланарли ҳол” маъносини бераётир. Бунда Абдулла Қодирий нутқиға кўпроқ хос бўлган пичинг воситаси эвфема қўллашға хизмат қилмоқда. Бу билан сиёсатнинг носозлигидан шикоят мазмуни англашилаётир. Бир жумлада бир сўзни такрорламаслик мақсадида синоним (*ўғри сўзининг эвфемаси*) ҳам берилади (*ҳалол касб*). Бу каби сиёсий воқеликларни эвфемалаштириш жараёни, яъни тасвирнинг эвфемик-публицистик усули Қодирийнинг бадий ҳикояларида ўзгача тусға олганидан ҳайратланамиз. Кесатиклар бора-бора эвфемик хусусиятини йўқотиб, умумий нутқ оддий сўзлашувға, кулги, латифаға айланиб қолгани сезилмай қолади: *Эрталабки шайтоннинг “Комитет қўйининг думбаси тушиб қолган”, сўзи эсимға тушган эди: – Ҳа, бадбахт, рост гапирган экансан, – деб қўйдим* (“Думбаси тушиб қолган эмиш”).

Ишнинг учинчи боби “**Абдулла Қодирий асарларида дисфемик маъноли бирликларнинг қўлланилиши**” деб номланади.

Дисфемизация тил бирликларининг прагматик маъноси бўлиб, эвфемизацияға зид туради. Бунинг сабабларидан бири – дисфемизация ҳодисасининг баъзан ижтимоий, баъзан эса индивидуал стеротиплар билан боғланиши. Дисфемизация лексемаларнинг нутқий дифференциациясини ҳам келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, нутқий маънодошлиқ қаторининг бойишини ҳам таъминлайди. Матн, боғлиқ қуршов ва нутқий вазият – маънодошлиқ қатори муваққат аъзоларининг шу қатордаги ўрнини белгиловчи ижтимоий омилларнинг мустаҳкамловчи воситаси. Бадий нутқдаги дисфемизацияни индивидуал усул (приём) сифатида баҳолаш мумкин. Бу индивидуаллик эвфемиядаги индивидуалликка нисбатан бирмунча устуворлиги билан характерланади. “Прагматика нуқтаи назаридан тегишли тил воситасининг эвфемикми ёки какофемиклиги фақат кузатувчи (тингловчи)ға боғлиқ бўлади” (А.Дąbrowska). Масалан, кўпгина европа тилларида учрайдиган *француз касаллиги* (сифилис) эвфемизми бошқа тил вакиллари томонидан эвфемизм сифатида қаралса, айрим этник муҳитда дисфемизм сифатида қаралиши мумкин. Зеро, бирликлардаги дисфемик маъно фақат муайян макон ва замон билан боғлиқ ҳолда юзаға чиқади ва шу асосда идрок этилади.

3.1. Абдулла Қодирий асарларидаги дисфемик маъноли бирликлар таснифи. Дисфемия – денотат баҳосига муносабатнинг минус томонға кетиши билан боғлиқ прагматик ҳодиса. Дисфемизм эвфемизм билан муносабатдош бўлганлиги сабабли уларнинг таснифида ҳам эвфемизмлар таснифидаги айрим белгилар таянч бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқ давомида ёзувчи асарларида эвфемизмларға нисбатан дисфемизмлар кам эканлиги аниқланди ва шу жиҳатдан унинг мавзуий гуруҳлари доираси ҳам асосан сўкиш, ҳақорат, қарғиш, киноя, масхара тушунчаларини ифодаловчи бирликлар билан чегараланди: 1) сўкиш ва ҳақоратни ифодаловчи дисфемизмлар: *«ақли қисқа» ақли тушидан кейин*

кирган пўкак бош, ит эмган, ит, итбачча, итланиш, ит-мушук, сакибедум; 2) қарғиш англатувчи дисфемизмлар: *аптидан бузилсин, жойи жаҳаннамдан белгиланадир, жойинг жаннатда бўлсин, икки юзи қаро бўлсин, ҳаром қотсин, гўрсўхта*; 3) мазҳара, киноя англатувчи дисфемизмлар: *қўтир итнинг кейинги оёғи, бўғоз*.

Абдулла Қодирий асарларидаги дисфемик маъноли бирликлар ўзаро лексик-семантик муносабат ҳам ҳосил қилади. Улар сирасида контекстуал маънодошлик, зид маънолилик ҳолатлари кузатилади: 1) маънодош дисфемизмлар: *«адолатпаноҳ», «соябони марҳамат», «ҳузури муборак» «жаноби олий»* (Худоёрхон); 2) зид маъноли дисфемизмлар: *эркак, урғочи, бўғоз, қисир*.

Дисфемизмлар маъновий кўлами жиҳатидан ҳам фарқланади. Шунга кўра, дисфемизмлар моносемантик ва полисемантик турларга бўлинади: 1) моносемантик дисфемизмлар: *пўкак бош, сакибедум, соқолинг кўксингга тўкилсин, тўнғизхона, қўтир итнинг кейинги оёғи, итдек қирган, бола ташлар эди*; 2) полисемантик дисфемизмлар: *хумса 1* (лапашанг), *хумса 2* (ҳезалак). Полисемантик дисфемизмлар тизими ўз ичида яна турларга бўлинади: 1) метафорик дисфемизмлар: *нортуядек, тош-метин*; 2) метонимик дисфемизмлар: *чўчқа* (шахс); 3) синекдохик дисфемизмлар: *кўзи чиқсун, соқолинг кўксингга тўкилсин* (ўлсин); 4) вазифадошлик асосидаги дисфемизмлар: *шунгия*.

Дисфемик бирликларнинг шаклий структурасига кўра таснифи. Адиб нуткида қўлланган сўз (ибора), сўз бирикмаси, гап шаклидаги дисфемизмлар фарқланади: 1) сўз(ибора)-дисфема: *бенаво, маймунлик, мочахар, муттаҳам, ошҳарам, пес, сакибедум, синглиталоқ, тирранча, тўнғизхона, ханнос, хумпар, чўчқа, шайтонхона, шунгия, қақшағир, ҳез, турмушининг чирик жойи, ақли тушдан кейин кирган, чандир каби саккиз тарафдан тишланиб, онасини учқўрғондан кўрган*; 2) бирикма-дисфема: *халойиғи бепарҳез, қитиқ пари ўлмаган, қон ичида, жигар сўхталари, мағрур гўдак, маорифга чўл халқ*; 3) гап-дисфема: *уйи куйсин, шайтон али қоплаган, қаро тупроққа қўшилсин, қитиқ пари ўлмаган, ҳаром қотсин, ит теккан, ақли қисқа, ақлинг оқсайди, онасини учқўрғондан кўрган, «қарға қарганинг кўзини чўқир эканми?»*.

3.3. Абдулла Қодирийнинг дисфемик маъноли бирликларни қўллаш маҳорати. Адибнинг очик ифода этилиши мулоқот хулқига тўғри келмайдиган тушунчаларни салбий бўёкли бошқа воситалар билан қўллаган ҳолатлари кўзатилди. Фикримизча, бу контекстда дисфемизм сифатида намоён бўлади. Бироқ адибнинг воқелик, шахс ёки нарса ҳақида ёрқин тасаввур уйғотиш, шунингдек, ўқувчида кучли таассурот қолдириш ҳамда ўзининг муносабатини очик намоён қилиш мақсади дисфемизмлардан ўринли ва унумли фойдаланишини таъминлайди.

Адиб аксарият ҳолатларда салбий қаҳрамон образини тавсифлашда дисфемизмлардан фойдаланади. Асарнинг биринчи бўлимида Ҳомиднинг Раҳмат Кумуш тўғрисида сўз очган вақтдаги ҳолатини қуйидагича баён этади: 1) *...бир турлик вазиятда ер остидан жиянига қаради...* 2) *...Ҳомид*

уни ер остидан таъқиб этар эди... **...Таъқиб қилмоқ** (ёки этмоқ) 1) Диққат билан кузатмоқ. *Эрталабки чой ҳозирланган. Отабек ҳомуш ўтирар, Ҳасанали эса унинг ҳолини таъқиб этмоқда эди.*¹ Кўринадики, бу ерда бирор салбий ифода мавжуд эмас. Аммо унга қўшиб айтилаётган *ер остидан сўз* бирикмасида маълум маънода бузғунчилик, ғараз ниятлилик мулоҳазалари яширингандек. Қолаверса, айнан Ҳомид салбий образ бўлганлиги учунми, ҳар бир ҳаракати ўқувчида салбий таассурот қолдираверади. Шунингдек, *кузатмоқ* сўзига нисбатан олинганда, мазкур бирликнинг дисфемик қиймати яна ортади. Шу жумла ижобий образга нисбатан қўлланилганда бундай ҳолатга дуч келмаймиз: *Эрталабки чой ҳозирланган, Отабек ҳомуш ўтирар, Ҳасанали эса унинг ҳолини таъқиб этмоқда эди.* Ёки ҳолис вазият ёритилаётганда ҳам ўз маъносида, яъни бўёксиз шаклда учратамиз: *Ўз оғзидан эшитканимиздек Содиқ уни, Ҳомиднинг таълимотича, Қўқон дарбозасидан чиқиб то карвонларга қўшилиб олгунча таъқиб этиб борган эди.*

Сиёсий тушунчаларни эвфемалаштириш узоқ тарихга эга бўлиб, ўзбек тилида жуда фаол қўлланган кўпгина сиёсий воқелик ва тушунчалар маълум сабабларга кўра тўғридан-тўғри айтилмасдан эвфемалаштирилган. Аммо халқ орасида ўша даврда сиёсатга қарши йўғрилган фикр мулоҳазалар давлат, давлат арбоблари номи дисфемалаштирилганлигини кўрамиз: *Жамоат бирор фойда-зарарни ажратувчини сайловга қарор берса, дарров ҳукумат ва ҳукумат бўрилари санчийдилар* (“Шодмарг”). *Негаким, иш домланинг фойдасига қуморила бошлаган, янги оқ подшоғ вақтида домлаларимизга ўхшаган “сайлов” сичқонлари учун ҳар қанча иш қилса, майдон очиқ эди* (“Тинч иш”).

Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг 1926 йил 15-17 июнда бўлиб ўтган судда сўзлаган нутқининг *“Некалай тахтдан йиқилгандан кейин оддий халқ милитсасига кўнгилли бўлуб ёзилдим”* жумласидаги *“тахтдан йиқилди”* ибораси, дастлаб *“лавозимдан кетди”* бирикмасининг эвфемаси бўлган, сўнгра эвфемик характери йўқотган ва моҳиятан дисфемага яқинлашиб қолган. Бу бирикма айни жумлада фақатгина ёзувчи нутқий маҳоратининг гўзаллигини сақлаб туриш учунгина ишлатилган. Аммо шундай, аввал эвфема, сўнгра дисфемалашган (кесатик, киноя маъноларидаги) иборалар адиб ижодидан анчагина ўринни олган.

ХУЛОСА

1. Абдулла Қодирийнинг сўз қўллаш маҳорати ҳақида ўз замондошлари ва кейинги авлод адабиётшунослари томонидан муносиб фикрлар билдирилган. Бироқ тил бадиий тафаккур маҳсули ифодаловчиси экан, адиб маҳоратининг улуғворлигини таъминловчи асосий воситадан бири бўлган тил имкониятидан фойдаланишини чуқур ва атрофлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Айниқса, адибнинг индивидуал нутқига

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 60 000 сўз ва сўз бирикмаси. 2-том / С.Ф.Акобиров, Т.А.Алиқулов, С.И.Ибрагимов и др.; З.М.Маъруфов таҳрири остида. – М: Русский язык, 1981. – Б. 144.

атрофлича баҳо бериш, идиолекти луғатини тузиш, қўллаган тил бирликларининг статистик тавсифини бериш амалий аҳамиятга эга.

2. Ўзбек формал ва субстанциал тилшунослиги эвфемик, дисфемик маъноли воситаларни ўрганишни долзарб масала сифатида кун тартибига қўймаган. Бугунги кунда нутқий структура ва жараёни илмий тадқиқ қилиш муаммоси доирасида мазкур воситаларни ҳам ўрганиш долзарб масаладир.

3. Абдулла Қодирий моҳир сўз санъаткори сифатида ўз ижодида тил ва маънавият, маданият муштараклигининг уйғун ҳолда кўринишларини намоён қилиб, ўзбек маънавияти, миллий ибод, назокат ва андишани гўзал ва дилбар тилимизда ифода этиш маҳоратини намоёниш этди.

4. Абдулла Қодирий ижодида эвфемик воситалар ранг-баранг кўринишга эга. Уларни маълум бир муҳим белгилар асосида турли томондан таснифлаш – адиб маҳоратини очишнинг ибтидоси. Қодирий асарларида қўлланган эвфемик воситаларнинг мавзувий ранг-баранглиги, семантик қўламдорлиги, шаклий ўзига хослиги тасниф жараёнида муайянлашди.

5. Адиб Абдулла Қодирий эвфемик воситаларни ўз ўрнида моҳирлик билан қўллаб, ҳар бир ҳодиса, шахс, воқелик ва унга ўз муносабати тасвирида гўзал эвфемик воситалар танлайди, мавжуд барқарор бирикмаларга ҳам эвфемик тус беради. Натижада воқеа-ҳодисалар, шахснинг ички ва ташқи қиёфаси ҳамда адибнинг уларга бадиий-эстетик муносабати таъсирли ифодаланади.

6. Абдулла Қодирий асарларидаги дисфемизмларнинг мавзу доираси эвфемизмларга нисбатан анча тор ва у сўкиш, ҳақорат, қарғиш, киноя, масҳара ифодаловчи бирликлар гуруҳларидан иборат.

7. Адиб асарларидаги дисфемик бирликлар сирасида контекстуал маънодошлик, зид маънолилик, даражаланиш ҳолатлари эътиборга молик.

8. Абдулла Қодирий асарларидаги дисфемик бирликлар маъновий кўлами жиҳатидан моносемантик ва полисемантик бирликларга бўлинади. Метафорик номинация, метонимик номинация, синекдохик номинация асосидаги дисфемизмлар кўп, айниқса, метафорик ва метонимик номинация устувор.

9. Адиб нутқидаги дисфемик бирликлар шаклий структурасига кўра сўз, сўз бирикмаси ва гап шаклида учрайди. Фразеологик ва паремиологик (мақол) дисфемик бирликлар аниқланди.

10. Абдулла Қодирий асарларида қўлланган дисфемизмлар портрет ва сиёсий ҳодисаларга муносабат билдиришда кўпроқ қўлланган. У кўпроқ сиёсий ҳодисалар тасвирида манипулятив вазифа бажарган.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий маҳорати хусусида айрим мулоҳазалар // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2008, – № 2. – Б. 82-83.
2. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий яратган асарлар — ибрат мактаби // Айюб Гуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий тўплам). – Тошкент: НС, 2008. – Б. 93-96.
3. Қодирова Х.Б. Образ яратишда эвфемизмлар // Тил ва адабиёт таълими, 2008. – № 10. – Б.83-87.
4. Қодирова Х.Б. Қиёмига етган иборалар // Ўзбекистон матбуоти, 2009, – №1-2. – Б. 88-89.
5. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий ижодида эвфемик омонимия // Айюб Гуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий тўплам). – Тошкент: НС, 2009. – Б.87-90.
6. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий асарларида эвфемизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. – № 4. – Б.88-89.
7. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий асарларининг қисқача эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлари луғати // Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2009. – 64 б.
8. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий асарлари тилини ўқитишда педагогик усуллардан фойдаланиш // Педагогик технологиялар – педагогик жараёни бошқариш омили. – Тошкент: НС, 2009. – Б.173-175
9. Қодирова Х.Б. Абдулла Қодирий асарларини ўқиб... // Ўзбек филологиясига оид тадқиқотлар (илмий тўплам). – Тошкент: НС, 2009. – Б.121-123.
10. Қодирова Х.Б. Özbek dilinde evfemizm ve disfemizm // Dünya Genç Türk Yazarlar Birliği (<http://www.dgtyb.org/news/506.html>). 2009, 30 сентябрь.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Қодирова Хуршида
Ботировнанинг 10.02.01 – ўзбек тили ихтисослиги бўйича тақдим этилган
«Абдулла Қодирийнинг эвфемизм ва дисфемизмлардан фойдаланиш
маҳорати» мавзусидаги диссертацияси

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: эвфемизм, дисфемизм, жаргон, арго, мавзувий тасниф, структурал тасниф, сўз(ибора)-эвфема, бирикма-эвфема, гап-эвфема, маънодош эвфема, шаклдош эвфема, зид маъноли эвфема, моносемантик эвфема, полисемантик эвфема, **имплицит эвфема**, эвфема қўллаш маҳорати, портрет эвфемаси, бадий эвфема, публицистик эвфема, сўз(ибора)-дисфема, бирикма-дисфема, гап-дисфема, маънодош дисфема, зид маъноли-дисфема, моносемантик дисфема, полисемантик дисфема, дисфема қўллаш маҳорати, бадий дисфемизм, сиёсий тушунча дисфемизми, Абдулла Қодирий асарлари.

Тадқиқот объекти: Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемик ва дисфемик маъноли бирликлар.

Тадқиқот мақсади: Абдулла Қодирий асарларидаги эвфемик ва дисфемик воситаларнинг лингвистик хусусиятлари ҳамда адибнинг улардан фойдаланиш маҳоратини тавсифлаш.

Тадқиқот усули: қиёслаш, анализ, зиддиятга қўйиш, компонент таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Абдулла Қодирий асарларида қўлланган эвфемизм ва дисфемизмлар илк бор тадқиқ этилди. Эвфемизмлар ва дисфемизмлар, уларнинг турли белгилар асосидаги таснифи келтирилди, адибнинг эвфемизмлар ва дисфемизмлардан фойдаланиш маҳорати очиб берилди. Абдулла Қодирий асарларида қўлланган эвфемизм ва дисфемизмлар луғати тузилди.

Амалий аҳамияти: Диссертация натижалари Абдулла Қодирий асарлари, шунингдек, ўзбек тили эвфемизмлари ва дисфемизмлари луғатини тузишда амалий аҳамият касб этади. Диссертациядан бакалавриат йўналишлари учун “Этномаданият ва мулоқот маданияти”, “Бадий асар тили” ўқув курслари бўйича маъруза матнлари, дарслик ва қўлланмалар тузишда материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртлари учун «Ҳозирги ўзбек адабий тили», “Этномаданият ва мулоқот маданияти”, “Бадий асар тили”, “Нутқ маданияти” курсларидан дарслик ва қўлланмалар тузишда фойдаланилмоқда. Тадқиқот натижалари замонавий дарслик ва қўлланмалар ҳамда луғатлар яратишда иқтисодий самара беради.

Қўлланиш соҳаси: лексикология, лексикография, семасиологияга оид тадқиқотлар, филология йўналишидаги мутахассислик фанлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Кадыровой Хуршиды Батыровны на тему: «**Мастерство Абдуллы Кадыри при использовании эвфемизмов и дисфемизмов**» на соискание учёной степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.01 – узбекский язык

Ключевые слова: эвфемизм, дисфемизм, жаргон, арг, тематическая классификация, слово(фразама)-эвфема, сочетание-эвфема, предложение-эвфема, синоним-эвфема, омоним-эвфема, антоним-эвфема, моносемантическая эвфема, полисемантическая эвфема, мастерство использования эвфемы, эвфема портрета, художественная эвфема, публицистическая эвфема, слово(фразама)-дисфема, сочетание-дисфема, предложение-дисфема, синоним-дисфема, антоним-дисфема, моносемантическая дисфема, полисемантическая дисфема, мастерство использования дисфемы, художественный дисфемизм, дисфемизм политического понятия, произведения Абдуллы Кадыри.

Объекты исследования: единицы с эвфемическим и дисфемическим значением в произведениях Абдуллы Кадыри.

Цель работы: охарактеризовать лингвистические особенности эвфемических и дисфемических средств в произведениях Абдуллы Кадыри, а также мастерство писателя при их использовании.

Методы исследования: сопоставление, анализ, проведение через противоречия, компонентный анализ.

Полученные результаты и их новизна: впервые исследованы эвфемизмы и дисфемизмы, использованные в произведениях Абдуллы Кадыри. По разным признакам приведена классификация эвфемизмов и дисфемизмов, раскрыто мастерство писателя при использовании эвфемизмов и дисфемизмов. Составлен словарь эвфемизмов и дисфемизмов, использованных в произведениях Абдуллы Кадыри.

Практическая значимость: результаты исследования имеют практическое значение при составлении словаря произведений Абдуллы Кадыри, а также словаря эвфемизмов и дисфемизмов узбекского языка. Материалы диссертации можно использовать при составлении текстов-лекций, учебников и учебных пособий по курсам «Этнокультура и культура общения», «Язык художественной литературы» для бакалавриата.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования применяются при составлении учебника и учебных пособий по курсам «Современный узбекский литературный язык», «Этнокультура и культура общения», «Язык художественной литературы», «Культура речи» для высших учебных заведений. Применение результатов исследования при создании современных учебников, пособий и словарей даст значительный экономический эффект.

Область применения: исследования в области лексикологии, лексикографии, семасиологии, специальные дисциплины филологического направления.

RESUME

for the dissertation work on the theme: "Abdulla Kadiriyy's mastery of using euphemisms and disphemisms" for submitting Kadirova Khurshida Batirovna's thesis for PhD degree, speciality 10.02.01 - Uzbek language.

Key words: euphemisms, disphemisms, slang, jargon, thematical classification, word(phrasological)-euphema, combination-euphema, sentence-euphema, synonymys-euphema, homonymus euphema, antonimus euphema, monosemantical euphema, polysemantic euphema, mastery of using euphema, portrait of euphema, art euphema, publicistic euphema, word(phrasological)-disphema, combination-disphema, sentence-disphema, synonymus-disphema, antonimus disphema, monosemantical disphema, polysemantical disphema, mastery of using disphema, art dysphemism, political concept disphemism, works of Abdullah Kadiriyy.

Objects of the inquiry:: unit with euphemistic and dysphemistic meanings in Abdullah Kadiriyy's works.

Aim of the inquiry: description of linguistic features of euphemistic and disphemistic sources in the works of Abdullah Kadyriyy, as well as the writer's mastery in using them.

Methods of the inquiry: comparison, analysis, conduction via contradiction, component analysis.

The results achieved and their novelty: the first study of euphemisms and disphemisms used in Abdullah Kadiriyy's works, classification of euphemisms and disphemisms are made using various methods, revealed the writer's mastery in using euphemisms and disphemisms. Compiled a dictionary of euphemisms and disphemisms used in the works of Abdullah Kadiriyy.

Practical value: results of the research have practical significance in dictionary completion on Abdullah Kadiriyy's works, as well as dictionary of euphemisms and disphemisms of Uzbek language. Materials of the dissertation can be used for preparing texts, lectures, textbooks and teaching materials for courses on "Ethnic culture and culture of communication", "Language of Literature" for undergraduate students.

Degree of embed and economical effectively: the results of research are applied in preparing textbooks and teaching materials for courses on "Contemporary Uzbek literary language", "Ethnic culture and culture of communication", "Language of Literature", "Culture of speech" for higher educational institutions. Application of research results in creation of modern textbooks, manuals and dictionaries will provide significant economic effect.

Sphere of usage: research in the field of lexicology, lexicography, semasiology, special courses of philological direction.